

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ИБАЙДУЛЛАЕВ ТЕМУР ГАЙБУЛЛАЕВИЧ

**ЛИБОС – МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ
ФЕНОМЕНИ СИФАТИДА**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Ибайдуллаев Темур Гайбуллаевич

Либос - миллий маданият тараққиётининг муҳим феномени сифатида 3

Ибайдуллаев Темур Гайбуллаевич

Одежда как важный феномен развития национальной культуры 23

Ibaydullaev Temur Gaybullaevich

Clothing as an important phenomenon in the development of national culture 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ИБАЙДУЛЛАЕВ ТЕМУР ГАЙБУЛЛАЕВИЧ

**ЛИБОС – МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ
ФЕНОМЕНИ СИФАТИДА**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fal258 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қорабоев Усмон Ҳосилович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Айматов Аминжон Қудратович
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Арзиматова Иноятхон Мадимаровна
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнлари, “оммавий маданият” воситаларининг кўлами ошиши таъсиридаги турли геосиёсий-мафкуравий хавф-хатарлар жаҳон этносларининг маданий тараққиётига таҳдид солмоқда. Айниқса, бу жараёнлар асрлар давомида шаклланган маданий қадриятлар тизимининг муҳим қисми бўлган миллий либослар ривожига ҳам жиддий тўсқинлик қилмоқда. Жумладан, Ғарбдан келаётган “ўта очик” ёки Яқин Шарқдан тарқалаётган “ўранган” кўринишдаги элементлари этник либосларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу эса инсониятнинг асрлар давомида шаклланган тарихий мерос сифатида миллат бойлиги ҳисобланган этник либосларни сақлаб қолиш, уларни қайта тиклаб, миллий маданиятнинг таркибий қисми сифатида ривожлантириш эҳтиёжини вужудга келтирмоқда ва бу борадаги интилишлар ва саъй-ҳаракатлар халқаро даражада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида, жумладан дунёнинг қатор илмий тадқиқот марказлари ва институтларида этносларнинг ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи либосларнинг тарихи ва анъаналарини тадқиқ қилишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, улар фаолиятида либоснинг вазифалари, типологияси, тарихий динамикаси, этнологик жиҳатларига қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ шу билан бирга, дунё халқларининг миллий менталитетига мос келмайдиган турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлар пайдо бўлмоқдаки, улар кийиниш маданиятида жиддий муаммоларни вужудга келтиргани учун, уларни бартараф этиш усуллари, тамойиллари ва мезонларини илмий тадқиқ этиш бугунги кунда объектив заруриятга айланмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида маданий меросни такомиллаштиришни илмийлик мезонлари асосида ташкил этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. “Оммавий маданият” хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида инсон маънавий оламини, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим”¹. Бу эса ўз навбатида халқлар маданиятининг таркибий қисми бўлган миллий либос борасида жиддий тадқиқотлар ўтказишга эҳтиёж туғдирмоқда. Жумладан, тарихий қадриятлар заминида вужудга келган этник либосларни - миллий маданий тараққиётнинг муҳим феномени сифатида тадқиқ этиш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва замонавий аспектларини фалсафий-маданий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш илмий жамоатчилик учун заруриятга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

¹ Мирзиёев Ш.М. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2018. - Б. 29.

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фамони, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Либос, унинг моҳияти, ривожланиш тарихи каби масалалар жаҳон илм-фанида қадимдан ўрганиб келинган бўлса-да, кийиниш анъаналари, либоснинг классификацияси, унинг моҳияти, вужудга келиши, шаклланиши ҳамда ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар асосан XIX-XX асрга келиб кенг тадқиқ этила бошланди. Ушбу соҳани ўрганган хорижий мутафаккир олимлар қаторига S.Grogan, K.Hansen, Cornelia Bohn¹, S.Parker, J.Craik, АҚШдаги Smith Sonian университети олимлари (жумладан, К.Hennessy, Sh.Beatty, A.Nair) ва бошқаларни киритиш мумкин.

МДХ мамлакатлари олимларидан ушбу соҳа бўйича Р.В.Захаржевская², О.А.Сухарева, Н.И.Гаген-Торн, М.П.Лобачева, М.А.Нуржасарова³, Ф.М.Пармон, Н.М.Калашникова кабиларни санаб ўтиш мумкин. Бу олимлар ўзларининг тадқиқот ишларида асосан либоснинг тарихи, маданияти, этнографияси ва замонавий кўринишлари бўйича илмий изланишлар олиб борганлар.

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда кийиниш маданиятига бўлган қизиқиш тобора ошмоқда. Жумладан, либоснинг ижтимоий моҳияти, тарихи ва этнографик жиҳатлари, миллий либос турлари ҳамда либослардаги анъанавийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги масалалари юзасидан бир қатор олимларимиз илмий изланишларини олиб бормоқдалар. Хусусан, ушбу соҳа бўйича Н.Садикова⁴, Ш.К.Нуруллаева, В.Чурсина, Г.Хасанбаева,

¹ Bohn C. Clothing as medium of communication //Alemania. Traducido de la versión alemana:“Kleidung als Kommunikationsmedium, in dies., Inklusion, Exklusion und die Person”. Konstanz (2006). – 2004. –Р. 95-127.

² Захаржевская Р.В. История костюма от античности до современности. - 3-е изд., доп. - М.: РИПОЛ классик, 2005. - 288 с.

³ Нуржасарова М.А. Теоретические и методологические принципы проектирования современной одежды на основе традиционного казахского костюма. Автореф. дисс. доктор тех. наук. – М.: 2005. – 51 с.

⁴ Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX-XX асрлар). - Т.: Фафур Ғулом, 2006. - 192 б.

Ф.Атаханова, Д.Рахматуллаева, У.С.Рахматуллаева¹, С.Т.Давлатова, Э.Мирзаназарова ва бошқа олимларимизнинг олиб бораётган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Шунга қарамасдан ҳозирги кунда ҳам илму фанда либосшуносликга оид муаммолар кам эмас. Либос фалсафаси, унинг борлиқ, географик муҳит, иқлим, об-ҳаво, миллат тарихи, турмуш тарзи, онги, руҳияти, маданияти, анъаналари, диний эътиқодлари ва инсон ички-ташқи дунёси билан диалектик боғлиқлиги чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Шунингдек, либос инсоният маданий тараққиётининг муҳим феномени эканлиги фалсафий-маданий жиҳатдан ўрганилмаган. Бу эса, тадқиқот мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах политехника институтининг илмий – тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 09-А-сонли “Миллий либосларнинг анъанавий жиҳатларини фалсафий-маданий тадқиқ этиш” (2017-2021) мавзусидаги тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади асрлар давомида шаклланган ва тарихий кадриятлар заминида вужудга келган либосни миллий маданий тараққиётнинг муҳим феномени сифатида фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда кийиниш анъаналарининг эволюцияси, ҳозирги аҳволи, муаммолари ва уларнинг ечимини аниқлашга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инсон қиёфаси ва либосни фалсафий-маданий феномен сифатида тадқиқ этиш;

либос генезеси, уни вужудга келтирувчи омиллари ва функцияларини аниқлаш ҳамда тизимга солиш;

либослар – этносларнинг миллий-маданий ўзига хослигини акс эттирувчи муҳим мезон эканлигини назарий исботлаш;

жаҳон ва ўзбек миллий либос эволюцияси ва бу борадаги тажрибаларни маданий омил сифатида таҳлилий ўрганиш;

ўзбек миллий либосининг классификацияси, муаммолари ҳамда уларнинг ечимига оид назарий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини жаҳон ва ўзбек миллий либослари эволюцияси ва бу борадаги тажрибаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети кийиниш маданиятининг ривожланиш босқичлари, хусусиятлари, анъаналари, ҳозирги аҳволи, муаммолари ва уларнинг ечимларини илмий асослаш билан белгиланади.

¹ Рахматуллаева У.С. Ўзбек халқининг кийиниш маданияти: анъанавийлик ва замонавийлик (фалсафий-маданий ёндошув). Фал. фан. номзоди дисс. автореферати. - Т.: 2010. - 24 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, сўровнома ва мақсадли интервью каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

либос халқларнинг урф-одатлари, рамзлари, маданият элементлари, эътиқодлари, эстетикаси, ҳаёт қувончлари ва қайғуларини ўзида акс эттирувчи ҳамда инсоннинг ижтимоий тоифасини билдирувчи муҳим мезон сифатида миллат маънавий қиёфасини шакллантириб келган тенденциялари очиқ берилган;

миллий либослар этник тафаккурнинг тарихий инъикоси ва миллий қиёфани акс эттирадиган муҳим элементларидан бири сифатида маданий тараққиётни такомиллаштириб борадиган ўзига хос феномен эканлиги исботланган;

маълум бир миллат яшайдиган жой географияси, табиий иқлими, об-ҳавоси, тарихи, турмуш тарзи, онги, руҳияти, маданияти, машғулотлари, анъаналари, диний эътиқодлари асосида вужудга келган миллий либослар тарихий эволюциясининг янги туркуми аниқланган;

ҳар қандай либоснинг инсон ички ва ташқи дунёси билан боғлиқлиги, ўзаро эмоционал уйғунлиги ўзбек анъанавий либос маданияти ва ҳудудий хусусиятлари контекстида фалсафий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

либоснинг генезеси, омиллари, турлари ва вазифаларига оид билимлар тизимини оила, маҳалла, мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, олий таълим тизимининг таълим-тарбияга оид йўналишларида фойдаланиш бўйича асосли амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

“Оммавий маданият”нинг таъсири асосида миллий либосга бўлган қарашлар аниқланиб, уларни бартараф этиш механизми белгиланиб, ёшлар камолотини таъминлашда миллий либоснинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги таълим-тарбия жараёнига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижаларидан “Фалсафа”, “Этика”, “Эстетика”, “Аксиология”, “Этнология”, “Маданиятшунослик”, “Костюм тарихи” каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан бойитиш ҳамда такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса ишнинг натижалари асосида берилган таклифлар ва амалий тавсиялардан оилада, маҳаллаларда, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий таълим муассасалари ва аҳоли ўртасида тарғиб қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда ҳамда ушбу мавзуга оид ўқув қўлланма ва дарсликларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамлакатимиз халқлари ҳаётида либосни миллий маданият тараққиётининг муҳим феномени сифатида тадқиқ этиш асосида:

либос халқларнинг миллий ўзига хослигини, миллий урф-одатлар, рамзлар, маданият элементлари, эътиқодлари, эстетикаси, ҳаёт қувончлари ва қайғуларини ўзида акс эттирувчи, инсоннинг қайси ижтимоий тоифага мансублигини билдирувчи муҳим мезон эканлигига оид таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” номли дарсликнинг “Жамият мафкурасида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги” деб номланувчи III бобидаги “Миллий ғояда миллий ва умуминсоний қадриятлар” мавзусини ва “Глобаллашув даврида ахборот макони ва ғоявий-мафкуравий курашлар” деб номланувчи VII бобидаги “Маданиятнинг глобаллашуви” мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 89-03-5351-сон маълумотномаси). Натижада халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш орқали миллий ва замонавий либос маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

миллий либослар миллий қиёфани акс эттирадиган муҳим элементларидан бири бўлиб, у миллатнинг ташқи қиёфасини ривожлантириб, ўзгартириб, такомиллаштириб борадиган ўзига хос феномен эканлигига доир илмий янгилик ва назарий хулосаларидан Жиззах вилояти тожик миллий-маданий марказининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган “Фориш қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари, удумларини сақлаш ва улар билан кенг жамоатчиликни таништириш” мавзусидаги 63-11/41-сонли грант лойиҳасидаги “Аҳолининг маънавий бойликларини, урф-одатлари анъаналари, удумларини сақлаш ва улар билан кенг жамоатчиликни таништириш ва уни ривожлантириш бўйича семинар, давра суҳбати ва конференция ўтказиш” номли 3-режасининг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ноτιжорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қўвватлаш Жамоат фондининг 2020 йил 17 декабрдаги 18/1-521-сон маълумотномаси). Натижада миллатлар ва элатларнинг урф-одатлари, қадриятлари, анъаналарини сақлаш, улар билан кенг жамоатчиликни таништириш ҳамда маданиятини ривожлантириш борасида ўтказилган тадбирларда либосларнинг ўрни ва аҳамияти, уни халқ

маданий турмуш тарзига сингдиришдаги аксиологик хусусиятларини аниқлаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

миллий либослар таъсирида шаклланган миллий қиёфанинг миллат яшайдиган жой географияси, табиий иқлими, об-ҳавоси, миллат тарихи, турмуш тарзи, миллат онги, руҳияти, маданияти, машғулотлари, анъаналари, диний эътиқодлари асосида вужудга келишига доир таклиф ва тавсиялардан “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар” номли ўқув қўлланманинг “Мустақиллик йилларида миллатлараро муносабатларни яхшилашга бўлган эътиборнинг ортиб бориши” номли бобининг “Аждодларимиз томонидан қолдирилган маънавий мероснинг ва урф-одатларимизни миллатлараро муносабатларни яхшилашга кўрсатадиган таъсири” деб номланган мавзусини ва “Миллатлараро муносабатларнинг маданий – маънавий омиллари” деб номланувчи бобининг “Миллатлар маданиятини бир-бирига таъсири турли халқларнинг, турли миллат кишиларининг маънавий – ахлоқий бойишига хизмат қилиши” номли мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 89-03-5422-сон маълумотномаси). Натижада ўқув қўлланма мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

либоснинг инсон ички ва ташқи дунёси билан эстетик боғлиқлиги, ўзаро эмоционал уйғунлиги ҳамда ўзбек анъанавий либос маданиятининг гендер ва ҳудудий хусусиятларига оид таклиф ва тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан 2019-2020 йилларда Республика миқёсида ўтказилган “Миллий либос – маънавият кўзгуси” ва “Бувижоним кийган либослар” мавзусидаги танловлар дастури сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 13 ноябрдаги 02/07-976-сон маълумотномаси). Натижада фуқароларни турли ғоявий ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялашни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёшларда либос маданияти тамойилларини шакллантиришда амалий жиҳатдан хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот ишининг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган, илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Либос – фалсафий-маданий тадқиқот объекти сифатида”** деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат. Ушбу бобнинг **“Инсон қиёфаси ва либосининг фалсафий-маданий асослари”** деб номланган биринчи параграфида инсон қиёфаси ва либосининг илмий асослари, жумладан, инсон қиёфасининг мазмун моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, унинг ички ва ташқи дунёси фалсафий - маданий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Инсоннинг ички дунёсини унинг ақли, қалби, жони, руҳи кабилар вужудга келтирса, ташқи дунёсини эса унинг кўриниши, қиёфаси ташкил этади. Инсон қиёфаси аввало, унинг ташқи кўриниши, қадди-қомати, ранг туси, юз тузилиши ва кийимлардан ташкил топган шаклий ифодасидир.

Шакл ва мазмун ўзаро боғлиқ бўлганидек, инсондаги ички гўзаллик ва ташқи гўзаллик деган тушунчалар ўртасида ҳам уйғунлик бор. Улар ўзаро боғлиқ ҳолда бири иккинчисини тўлдириб боради, ички гўзалликсиз ташқи гўзалликка эришиши қийин бўлади. Бундан келиб чиқиб, инсоннинг ички маънавий олами гўзал бўлса, унинг ташқи қиёфаси ҳам гўзал бўлади, деган ғояни илгари сурсак бўлади.

Миллий қиёфа мазкур миллатга мансуб бўлган шахслар қиёфасини умумлаштирилган образи асосида вужудга келади. Агарда барча миллатларнинг ташқи қиёфаси бир хилда бўлса, уларни бир-биридан фарқлаш жуда қийин бўлади. Миллий қиёфа миллат истиқомат қиладиган табиий иқлим, об-ҳаво, географик жойлашуви, миллатнинг турмуш тарзи, машғулотлари, анъаналари, тарихи, диний эътиқодлари, миллатнинг онги, руҳияти, маданияти асосида шаклланади ва раванқ топади. Шундай экан, миллий либослар - миллий қиёфани намоён этадиган, унга файз, кўрк берадиган муҳим ўзига хос феномендир.

Илмий тадқиқотни самарасини ошириш учун кийим ва либос тушунчаларига аниқлик киритиш лозим бўлди. Биринчидан, кўпгина илмий манбаларда, энциклопедия ва луғатларда бу атамаларга турлича изоҳ берилмоқда. Иккинчидан, кийим ва либос тушунчалари ўртасида фарқлар бўлса ҳам уларни кўпинча бир-бирига синоним сифатида ишлатишмоқда. Кийим ҳақидаги тушунчаларни таҳлил қилиб, умумлаштириб, уни қуйидагича изоҳлаш мумкин: *кийим* - инсон танаси устига кийиладиган, уни ташқи таъсирлардан ҳимоя қиладиган, унинг жинси, ёшини ифода этадиган

турли мато ва чармлардан тайёрланадиган воситадир. Энди либос тушунчасига тўхталсак, у – кийимнинг юқори маданий кўриниши бўлиб, у муайян мақсадга йўналтирилган, махсус композицион кўринишга эга бўлган, инсон қиёфаси, юз ва тана тузилиши, ранги, боши, сочи кабилар билан уйғунлашадиган, миллатнинг маданиятини акс эттирадиган, ўзида эстетик хусусиятларни бирлаштирадиган, жамият ва табиатнинг талабларини жамлаштириб миллий маданиятни акс эттирадиган муҳим феномендир.

Мазкур бобнинг “Либос ва унинг генезеси, омиллари ва функциялари” деб номланган иккинчи параграфда либоснинг пайдо бўлиши, уни шакллантирувчи омиллари ва функциялари таҳлил қилинган.

Ҳар қандай ходисанинг ибтидоси, генезеси, пайдо бўлишини чуқур ўрганганимиздагина у ойдинлаша бошлайди. Либос масаласи ҳам бундан истисно бўлмай, унинг генезисига мурожат қилганимиздагина унинг моҳияти равшан бўла бошлайди. Либос генезиси ер юзи иқлимининг совуши натижасида қадимги одамларнинг ўзини сақлаш эҳтиёжини пайдо бўлиши билан боғлиқ. Тош асрдан қолган археологик топилмалар ва ғорлардаги деворий суратлар ёрдамида тахминан 40-45 минг йиллар илгари палеолит даврида одам табиий ашёлар: барг, похол, қамиш, ҳайвонлар терисидан кийимлар тайёрлай бошлаганлигини тахмин қилса бўлади. Давр ўтиб, жамият тараққий этиб борган сари либосларнинг мазмуни ҳам, шакли ҳам ўзгариб бориши, содда табиий ашёлар ўрнини матодан тайёрланган либослар эгаллай бошлаши – бу ўзига хос маданий инқилоб бўлди.

Тарихий манбалар таҳлили орқали либосларни вужудга келиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар аниқланди, уларнинг биринчиси, бу - табиий омил (*геомуҳит, иқлим, оби ҳаво ва ҳ.*), иккинчиси, бу - ижтимоий – сиёсий омил (*аҳолининг ўзаро ички муносабатлари, ташқи алоқалари, жамоанинг тузилиши ва шакли, бошқаруви ва ҳ.*), учинчиси, бу - иқтисодий омил (*моддий аҳвол, иқтисодий имкониятлар ва ҳ.*), тўртинчиси, бу - маданий омил (*турмуш тарзи, урф-одатлари, ахлоқий тартиб – қоидалари ва ҳ.*), бешинчиси, бу - диний омил (*қадимий ва анъанавий эътиқодлар, миллий, дунёвий ва диний дунёқарашлар ва ҳ.*). Ушбу омиллар либосларни такомиллаштиришга, уларнинг шаклини ўзгартиришга ҳамда турларини кўпайишига олиб келди. Бу эса либосни – миллий маданият тараққиётининг муҳим феномени эканлиги ҳақидаги фикрга асос бўлади.

Либослар тараққиёти, уларнинг умумий функциясини белгилашни тақозо этади. Либосга оид тадқиқотларда унинг функциясини аниқлашга кўп ҳаракатлар бўлмоқда. Уларни таҳлил қилиб, (*илмий манбаларда қабул қилинган тўртта функция ўрнига*) ўн битта функцияни асослашга ҳаракат қилдик. Уларга: *креативлик(ижодкорлик, яратувчанлик,) функцияси, ҳимоялаш функцияси, ҳурмат қозониш функцияси, қулайлик яратиш функцияси, нуқсонларини беркитиш функцияси, афзалликларини кўрсатиш функцияси, озодалик функцияси, ахлоқий функция, ахборий функция, эстетик функция, хавфсизлик функцияси* кабиларни киритдик.

Либослар табиий, ижтимоий-иқтисодий шароит, инсоннинг эстетик ва ахлоқий қиёфаси, унинг ички дунёси, маънавий, рухий-ахлоқи, онги, дунёқараши, билим-савияси, орзу-интилишларини ўзида акс эттирадиган маданиятнинг муҳим феноменига айланган. Либос кишининг қандай этник, ижтимоий ёки ёш-жинс гуруҳига мансублиги, унинг либоси қандай воқеалар муносабати билан кийилганлиги, у қачон ва қаерда яшаганлиги кабиларни англатувчи восита ҳамдир. Шунингдек, либоснинг ранги, бўёқлари, рамзи, безаги, шакли, қандай шароитга мўлжалланганлиги, бичими, материали кабилар, уларни этник-фалсафий хусусиятларини ҳам ифодалайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Жаҳон ва ўзбек миллий либос эволюцияси - маданий тараққиётнинг муҳим феномени сифатида”** деб номланган. Ушбу бобнинг **“Жаҳон кийиниш маданияти тажрибаси – этник тараққиёт омили”** деб номланган биринчи параграфида жаҳон ва Европа кийиниш маданияти тажрибаси, Осиё ҳамда Марказий Осиё халқлари кийиниш одатларининг дифференцияси - этник тараққиёт омилларига оид масалалар тадқиқ қилинади.

Ўзбек либоси - жаҳон кийиниш маданиятининг таркибий қисми бўлгани учун дунё тажрибасини ўрганмасдан, бу борадаги ўз анъаналаримизни билиш қийин. Шундай экан, биз аввало, жаҳон тажрибаларига тўхталиб, кейин ўз меросимизга мурожаат қилишни лозим топдик.

Ер юзини совуши билан одамлар кийим ва бошпана ёрдамида жонини сақлашга ҳаракат қилган бўлса, қадимги Миср, Юнон, Рим, Византия давлатлари пайдо бўлиши билан либослар табақаларга мос ривожлана бошлаганини кузатамиз. Бойлар сифатли матолардан либосларни кийишган бўлса, қуллар дағал арзон воситалардан фойдаланишган. Қадимги даврдан маданияти юксак ривожланган давлатлар (Юнон, Византия) маданияти паст бўлган қўшни мамлакатларга ўз таъсирини ўтказган.

Қадимдан илк ўрта асрларгача Европа маданиятида эркак ва аёллар кийимлари бир бирига яқин бўлган бўлса, ўрта асрларга келиб гўзалликни акс эттира бошлаган аёллар либоси эркакларникидан ажрала бошлади¹. Шунингдек, ўрта асрларда Ғарбий Европада христиан черкови мавқеъининг кўтарилиши, халқ кийиниш маданиятига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ғарб уйғониш ренессанси даврида аёллар либослари эркакларникига таъсир этиб, Ғарбий Европа давлатлари либос маданиятининг ривожланиш босқичини юқори поғонага кўтарди. Дунё либослари тараққиётида (XVII асрдан бошлаб) Франция модани тарғиб этувчи бош давлатга айланиши диққатга сазовордир.

Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши кийимларда кўпроқ ҳарбий унсурлар пайдо бўлиши, уларни шакл ва кўринишида жиддий ўзгаришларга замин яратди. XX асрда Европа феминисткалари аёлларнинг либос шаклларини ислоҳ қилиш талабини қўйишди. Аср охирида эса ҳайвонот дунёсига зарар

¹ Ўрта асрлардан бошлаб мамлакатлароро савдо-сотиқнинг ривожлана бошлаши, энг яхши либос намуналарини бошқа давлатларда тарқалиши, жаҳон халқлари орасида тажриба алмашиши, бу жараёни фаол ривожланишига олиб келди.

етказмаслик масаласи актуаллашди ва мўйнадан тайёрланган либосларни кийганлар қаттиқ танқид остига олинди. XXI аср бошига келиб фан-технологияларнинг жадал ривожланиши янги мато ва ашёлардан тайёрланган либослар - кибермодаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Маълумки, Осиё либос маданияти ўзига хос тараққиёт хусусиятларига эга бўлиб, қадимдан “Буёқ ипак йўли” орқали Европа либос маданиятига таъсир қила олган. Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларининг табиий иқлимида шаклланган либослар анъанавийлигини узоқ вақт сақлаб қолди. Бундай ҳолатни Эрон, Арабистон, Ҳиндистон, Хитой, Япония каби мамлакатларда ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган кийимларидан яққол сезиш мумкин.

Марказий Осиёдаги ўзбек, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман халқларининг ҳудудий яқинлиги, улар ўртасидаги кўшничилик ва савдо-сотик алоқалари - уларнинг либосдаги муштарақлигини бош кийим, устки кийим, поябзал кўринишлари ва уларнинг номларидаги ўхшашликлардан ҳам билса бўлади. Даврлар силсиласида уларнинг ўз ҳудуди, маданияти, тилига эга бўлиши билан, ўзаро фарқли жиҳатлари ҳам кўпайди.

Бобнинг “Ўзбек либосининг эволюцияси – миллий маданият такомилли инъикоси сифатида” деб номланган иккинчи параграфида ўзбек миллий либос анъаналарини ривожланиш тарихи босқичларга бўлиб таҳлил қилинган.

Марказий Осиёдаги асосий этнослардан бири бўлган ўзбекларнинг либос тарихи ҳам қадимги даврларга бориб тақалади. Унинг тарихи саккиз босқичга бўлиб ўрганилди: биринчи босқич – *энг қадимги давр*, иккинчиси – *Зардуштийлик даври*, учинчиси – *ислом даври*, тўртинчиси – *Темурийлар даври*, бешинчиси – *XVI -XIX асрлар ва хонликлар даври*, олтинчиси – *Чор Россияси истилоси даври*, еттинчиси – *Шўролар даври*, саккизинчиси – *Мустақиллик даврлари*. Ушбу даврларнинг хар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар ўзбек либоси тарихи бой тажрибага эга эканлигидан далолат беради.

Диссертациянинг **“Ўзбек миллий либосининг турлари, муаммолари ва уларнинг ечими”** деб номланган учинчи боби икки қисмдан иборат. Мазкур бобнинг “Ўзбек анъанавий либос маданияти классификацияси: гендер ва ҳудудий хусусиятлари таҳлили кесимида” деб номланган биринчи параграфида либослар кўриниши ва турларига кўра классификация қилиниб, ўзбек либосини гендер ва минтақавий хусусиятларидан келиб чиқиб таҳлил қилинган.

Ўзбек анъанавий либос маданиятини классификация қилиш натижасида уларни ранг – баранг турларга, жумладан, *тарихий, этник, ҳудудий, маданий, гендер (жинс), ёш, маиғулот, байрам-маросим, касби ва мавсумга мос либосларга* бўлиб ўргандик.

Шарқда жумладан, ўзбек либосида *гендерлик* алоҳида диққатни ўзига тортадиган масалалардан биридир. Европадан фарқли ўлароқ ўлкамизда

эркак ва аёллар кийимлари қадимдан бир - биридан кескин фарқ қилган ҳамда улар ўз шакли, маъноси, ранг-баранглиги, ёрқинлиги ва ўзига хос гўзаллиги билан ажралиб турган.

Эркакларнинг анъанавий миллий либослари бош кийим (дўппи, қалпоқ ва салла), уст кийим (кўйлак, иштон ва чопон, белбоғ), пойабзал (маҳси, калиш, этик) каби турлардан иборат бўлиб, улардаги ранг, шакл ва рамзлар алоҳида маъноларни аниқлаган. Дўппи-бежирим бош кийим бўлиб, уни енгил, қулай бўлганлиги учун доимо кийиб юриш одат тусига айланган. Салла – эркакларнинг бош кийими бўлиб, ўғил болаларга дастлаб суннат тўйида, сўнгра никоҳ тўйида тантанали кийдирилган. Вақти келганда салла жангларида вафот этган мусулмоннинг охират кийими – кафан вазифасини ҳам ўтаган. Ўзбек тўни(чопони) халқаро даражада ҳам машҳур бўлган, у кўплаб мамлакатларга экспорт қилинган, халқаро кўрғазмаларда мукофотлар олган. Яктак кўйлақлар эркакни кучи, шон-шўхрати ва ботирлигининг асосий белгиси, унинг устига боғланадиган белбоғ эса эркакни мардлик ва лафз рамзи ҳисобланган.

Аёлларларнинг анъанавий миллий либослари бош кийим (рўмол, ёпинчиқ, пешонабоғ, дўппилар), уст кийим (кўйлак, мурсак, калтача, камзул, чопон, лозим), пойабзал (маҳси, кавуш, этик) каби турлардан иборат бўлиб, уларнинг ранги, рамзи, безаги, шакли эркакларникига нисбатан ёрқинроқ ва кўркамроқ бўлган. Ёпинчиқ-(паранжи, сарандоз, желак) тўйларга ва кўчага чиққанда кийилган ва у никоҳ либосининг асосий қисми бўлган. Аёлларнинг пойабзали теридан турли усулда, безакдор қилиб тикилган бўлиб, уларнинг маҳси, кавуш ҳамда этиклари ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Байрам-маросим либослари – юқори даражадаги либос тури бўлиб, улар қимматбаҳо матолардан буюртма асосида энг маҳоратли чеварлар томонидан олдиндан тайёрлаган. Улар асосан оқ ва ёрқин рангларида бўлган. Зеро, оқ ранг тозаллик, покизалик рамзи, бахт-саодат тимсоли ҳисобланган. Аза кийимлари бошқа либослардан кескин фарқ қилиб, қайғули ҳолатни ифодалаган. Азадор аёллар кўк кийим кийиб, бошига оқ рўмол ўраганлар, эркаклар эса чопон устидан белбоғ боғлаб, бошига дўппи кийишган.

Ўзбек миллий либосининг минтақавий турлари ва хусусиятлари мавжуд бўлган. Ўлкамизда кийимларни тикиш ривожланган ҳудудларда, жумладан, Бухоро, Ғиждувон, Самарқанд, Ургут, Нурута, Варганза, Зандона, Фарғона водийсидаги Наманган, Бешариқ каби жойларда маҳаллий мактаблар ва марказлар шаклланди.

Ўзбек анъанавий либосларининг умумий томонлари билан бирга минтақавий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлган. Бухоро-Самарқанд минтақасидаги кийимлар ўзининг серхашамлиги ва ноёб зардўзи кашталари билан фарқланди. Тошкент-Фарғона минтақа аҳолисининг кийим турларини кўплиги ва ранглариининг сокинлиги билан бошқа минтақа кийимларидан ажралиб турган. Қашқадарё-Сурхондарё минтақаси жанубий иқлимининг иссиқлиги - аҳолисининг табиатига мос кийимларни шакллантирган. Хоразм-

қадимий воҳа бўлиб, кескин континентал иқлими бу жойдаги матоларнинг ранг уйғунлиги жамланмасини ҳосил қилган. Эркаклар бош кийими - чугирма, аёллар маросим бош кийими – лачак ва ундаги зеб-зийнатлар гўзаллиги – Хоразм анъаналарининг ўзига хос рамзини ифодалаб келган. Қорақалпоқ миллий либосларида ёмон кўздан асровчи рамзий белгилар кўп бўлган. Қадимги нақшлари осмон, қуёш, ой, ер, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муқаддаслаштириб акс эттирган.

Тадқиқотимиздан маълум бўлдики, ўзбек кийимлари нафақат қўшни мамлакатларда, балки жаҳонда ҳам машҳур бўлган. Бунинг асосий сабабларидан биринчиси – йилнинг тўрт фасли бор ўлкамиз табиати, иқлими, об-ҳавоси ифодаланган, иккинчиси – хом ашёга бой юртимизда ип, тери, ипак, мато кабилардан фойдаланиш имконияти кенг бўлган, учинчиси – “Буюк Ипак йўли” орқали келган либос нусхалари оммалашган, тўртинчиси – юртимизда ҳунарманд, тўқувчи, бичувчи, тикувчи, чевар, заргар, зарбон каби сулолалар тенги йўқ мўжизаларни яратишган, бешинчиси – ўлкамизда кўплаб маҳаллий мактаблар вужудга келиб, уларда илғор анъаналар шаклланган. Шу сабабларга кўра аجدодларимиз кийимлари нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳонда ҳам машҳур бўлган.

Бобнинг “Замонавий ўзбек либослари: муаммолари ва уларнинг ечими” деб номланган иккинчи параграфда ўзбек либосининг бугунги кундаги аҳволи талқин этилади.

Замонавий ўзбек либослари ютуқлари билан бирга ўзига хос муаммоларига ҳам эгадир. Жумладан, глобаллашув жараёни бизнинг одатларимизга зид бўлган либосларни турмушимизга кириб келишига имконият яратмоқда. Европадан ярим ялонғоч либослар билан бир қаторда Шарқдан бутунлай тана қисми ёпилган либослар ҳам кириб келмоқда.

Миллий кадриятларга эътибор қаратилаётган бир вақтда халқимиз томонидан табиий маҳсулотлардан, пахта ва шойи матолардан тикилган, иссиқ ва совуқ кунлар учун қулай бўлган анъанавий миллий либосларга талаб тобора ортиб бормоқда.

Биз либослар қандай талабларга жавоб бериши кераклиги ҳақида педагоглар, шифокорлар ва талабалар (жами 300 киши) ўртасида социологик сўровномалар ўтказиб, унда “Либос қандай талабларга жавоб бериши керак?” деган саволимизга респондентлар: 92% гўзал, 80% ярашадиган, 76% қулай, 80% тоза ва покиза, 76% фойдали, 78% касбига мос, 84% ёшига мос бўлиши кераклигини билдиришган. Сўровномамиз натижасига кўра, биринчидан, кийим ўзига ярашадиган, бошқалар ва ўзининг кайфиятини кўтарадиган, иккинчидан, қулай, шинам ва фойдали, учинчидан, кийим тоза, озода ва покиза, тўртинчидан, касбига ва характерига мос, бешинчидан, кийим ёшига мос, олтинчидан, кийим эстетик завқ берадиган, чиройли бўлиши керак деган фикрларни олдик.

Бугунги кунда биз миллатимиз ворисийлик анъаналарини мужассамлаштириб, анъанавий либосларини кадрлаб, миллий қиёфамизни

сақлаб қолишимиз муҳим. Миллий либослар шаҳарга нисбатан қишлоқ жойларида, кўпроқ кекса ёшдаги кишилар ва аёлларда сақланмоқда. Шаҳар аҳолиси эса кўпроқ Европанинг замонавий либосларни хуш кўришмоқда. Ҳар иккала ҳудудда ҳам миллий либосларимиз сақланиши учун дастлаб, аجدодлар анъаналарини қадрлаш, аҳолини ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, либос маданияти ҳақидаги билимларини оширишимиз зарур бўлади. Акс ҳолда ўзлигимизни йўқотиб, ўзгалар либосининг асири бўлиб қолишимиз мумкин.

Ўзбек миллий кийимларимизни жаҳон даражасида намойиш қилишда Ватанимизда ўтказилаётган “Stile.uz.” - модалар ҳафталиги, “Болажонлар – ширинтойлар”, “Миллий либослар” каби тадбирларга алоҳида эътибор беришимиз зарур. Ушбу тадбирларнинг ташкилий анъаналарини мустаҳкамлаб, уларда тарихий, этник ва ҳудудий либосларни кўпроқ тарғиб этиш лозим. Шунингдек, мамлакатимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг либосларига ҳам кўпроқ эътибор қаратишимиз керак.

Анъанавий миллий либосларнинг замонавий кўринишдаги турларини яратиш жараёнида “Модалар уйи” мутахассислари, тўқувчилар, модельерлар, дизайнерлар, рассомлар, санъатшунослар, тикувчиларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур.

Замонавий либосга оид яна бир муҳим муаммо бу - таълим тизими учун махсус либослар яратиш билан боғлиқ. Мактаб, лицей, техникум, олий таълим муассасаларининг ўқувчилари, талабалари, магистрлари ва докторантлари учун (миллий хусусиятларга эга бўлган) махсус либослар турларини яратишни вақти келган¹.

Тадқиқотимиз жараёнида миллий либосларимизнинг замонавий турларини яратиш йўлида пайдо бўладиган муаммоларни аниқлаб, уларни қўйидаги ечимларини топдик: **биринчидан**, аввало либослар индустриясига эътибор бериб, миллий либосларимизнинг замонавий нусхаларини яратиш; **иккинчидан**, ёшларни анъанавий либосларимиз ҳақидаги билимларини ошириш; **учинчидан**, анъаналар асосида ўзбек замонавий кийимларининг экспериментал шакллари вужудга келтириш; **тўртинчидан**, замонавий либосларда актуаллашган гендер масаласига эътибор бериш; **бешинчидан**, замонавий кийимларни лойиҳалаштиришда миллий элементларга бой бўлган бадий, декоратив ва безак ечимларидан кўпроқ фойдаланиш; **олтинчидан**, халқ одатлари асосида замонавий миллий кийимларни лойиҳалаштириш ва функционал моделлаштириш учун ахборот базасини яратиш; **еттинчидан**, анъанавий миллий либосларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш мақсадида таълим ва маданият муассасаларида махсус тадбирлар, кўрик-танловларни ташкил этиш каби ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

¹ Усмон Ҳосил (Қорабоев). Одатнома. 2 - китоб. -Т.: “Ўзбекистон”, 2018 –Б 129-130.

ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот жараёнида либосни миллий маданият тараққиётининг муҳим феномени сифатида фалсафий-маданий тадқиқ этиш ҳамда уларнинг тенденцияларини аниқлаш натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

